



О‘ЗБЕКISTON TEMIRYO‘LCHILARINING GAZETASI

2026-yil • 20-avgust • payshanba • № 32 (6612)

**Temir yo‘llar
mamlakatimiz
iqtisodiyoti-
ning qon
tomiridir.**

Gazeta 1933-yildan
chiqa boshlagan

■ ДАВР ТАЛАБИ

БУГУНГИ ШИДДАТ БИЛАН РИВОЖ-
ЛАНАЁТГАН ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИ-
ДА ҲЕЧ БИР СОҲАНИ ЗАМОНАВИЙ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИСИЗ
ЁКИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ-
СИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ.

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ, СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА ПРОГНОЗЛАШ – келажакда бахтсиз ҳодисалар содир бўлиш хавфини олдидан аниқлайди

Давр талабига мувофиқ, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидаги барча корхоналар, ташкилотлар ва заводлар фаолиятини тубдан трансформация қилиш, инсон омилини камайтириш, энг асосийси – ҳаракат, саноат ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.



Бундан уч-тўрт йил аввал темир йўл тизими-да меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш асосан қоғозбозликка, турли журналлар ва далолатномаларни қўлда тўлдиришга асосланган эди. Бу эса, ўз навбатида, маълумотларни тезкор таҳлил қилиш, хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш ва қарор қабул қилиш жараёнларини секинлаштирарди.

Қарангки, давр талаби бўлган рақамли трансформация ушбу муаммоларни вазиятларнинг ҳам оптимал ечимига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 16 сентябрдаги “Республиканинг ҳудуд, соҳа ва тармоқларида рақамли технологиялар жорий этилишини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 286-сонли қарори қабул қилинди. Бу ҳужжат “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида қабул қилинган бўлиб, давлат хизматларини янада қулай, шаффоф ва тезкор ишлашга қаратилган. Мазкур тегишли қарорлар ҳамда Жамият раҳбариятининг ташаббуси билан темир йўл соҳасини рақамлаштириш борасида улкан қадам ташланди.



Тизим доирасида ягона платформа жорий этилди. Жумладан, “Рақамли саноат хавфсизлиги” ва “Рақамли меҳнат муҳофазаси” ахборот тизимлари ишлаб чиқилиб, марказий серверларда “nbt.railway.uz” ишга туширилди. Бугунги кунга келиб, ушбу платформада 1 минг 800 дан ортиқ саноат хавфсизлигига оид қурilmалар тўлиқ рақамли паспортлаштирилди. 40 мингдан зиёд ишчи-ҳодимнинг билим синови “электрон тест” ва йўл-йўриқ олиш маълумотлари тизими-га киритилди.

Давоми 2-бетда ➡➡

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ АЭРОПОРТ ВА ТЕМИР ЙЎЛНИ БОҒЛАЙДИГАН ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БИРИНЧИ ЛОЙИҲА БИЛАН ТАНИШДИ

17 АВГУСТ КУНИ
ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ
МИРЗИЁЕВ ХОРАЗМ
ВИЛОЯТИГА ТАШРИФИ
ДАВОМИДА УРГАНЧ
ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ
ВА ХИВА ТЕМИР
ЙЎЛ БЕКАТИНИ
БОҒЛАЙДИГАН ЯНГИ
ТЕМИР ЙЎЛ ЛИНИЯСИ
БИЛАН ТАНИШДИ.

Мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, турли транспорт турларини ўзаро боғлаш, аҳоли ҳамда сайёҳлар учун қулай қатнов тизimini яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хоразм вилоятида амалга оширилган мазкур лойиҳа ҳам шу мақсадларга хизмат қилади.

Киймати 225 миллиард сўм бўлган лойиҳа доирасида Урганч халқаро аэропорти ва темир йўл вокзалини боғловчи 11 километрлик янги темир йўл линияси қурилди. Унда бир бекат, кўприк, автомобиль йўллари билан кесишмалар ва 25 та сув ўтказиш иншооти барпо этилди.

Янги йўналиш орқали йилига



қарийб 650 минг нафар маҳаллий ва хорижий сайёҳни ташиш имконияти яратилди. Хива ва Урганч ўртасидаги қатнов вақти икки баробар қисқариб, 80 дақиқадан 40 дақиқага тушади. 30 га яқин янги иш ўрни ташкил этилди.

Эътиборлиси, аэропорт ва темир йўлни бевосита боғлайдиган бундай лойиҳа мамлакатимизда биринчи марта амалга оширилди. Урганч халқаро аэропорти – Хива йўналишида Хитойда ишлаб чиқарилган CR200J электропоезди

қатнови йўлга қўйилмоқда.

Олти вагондан иборат мазкур электропоезд бир вақтнинг ўзига қарийб 400 нафар йўловчини ташиш имкониятига эга. У соатига 160 километргача тезликда ҳаракатланади. Вагонларда VIP, бизнес ва эконо-класс ўринлари, бепул Wi-Fi, электрон қурилмаларни қувватлаш имконияти, замонавий совутиш ва иситиш тизимлари мавжуд. Ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳам зарур шароитлар яратилган.



Давлатимиз раҳбари янги электропоездда Хива шаҳрига келди.

Хивада Президентимиз Урганч халқаро аэропорти ва Хива темир йўл вокзалини боғлайдиган йўналишда қатновга қўйиладиган янги троллейбусларни ҳам қўздан кечирди.

Жорий йил июль ойида Хитойдан олиб келинган 10 та троллейбус замонавий автоном ҳаракатланиш тизими билан жиҳозланган бўлиб, электр тармоғига уланмаган ҳолда ҳам 100 километргача йўл босиши мумкин.

Ҳар бир троллейбус 87 нафар йўловчига мўлжалланган. Уларда ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар ва болали йўловчилар учун қулайликлар, USB ва Туре-С портлари, ички ва ташқи кузатув камералари ўрнатилган. Шунинг-

дек, ҳайдовчи ҳолатини кузатиш, ҳаракат йўлагидан чиқиб кетишдан огоҳлантириш ва автоматик ёнгин ўчириш каби хавфсизлик тизимлари мавжуд.

Ушбу замонавий транспорт воситаларини олиб келиш ташаббуси Президентимизнинг ўтган йили Хоразм вилоятига ташрифи давомида илгари сурилган эди.

Давлатимиз раҳбари транспорт турларини ўзаро уйғунлаштириш аҳоли ва сайёҳлар учун қулайлик яратиш, йўлга кетадиган вақтни қисқартириш ҳамда ҳудуднинг туристик жозибадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлади. Мутасаддиларга йўловчилар учун хавфсиз ва сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Prezident.uz

■ КЎРИК-ТАНЛОВ

“КАСБИМ-ФАХРИМ”: ТЕМИР ЙЎЛ САНОАТИНИНГ КУЧЛИ ЁШ МУТАХАССИСЛАРИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

“Касбим — фахрим — 2026” танловининг “Қуов-механика заводи” акциядорлик жамиятида ўтказилган якуний босқичида 46 нафар ёш темирйўлчи ўз маҳоратини синаб кўрди ва олти-та йўналиш бўйича энг билимли мутахассислар аниқланди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг қон томири ҳисобланган темир йўл тармоғи ҳар кун миңглаб тонна юкларни, миңглаб йўловчиларни ўз манзилига етказди. Ушбу улкан механизм ортида кўзга ташланмайдиган, аммо тизим ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган буюк куч — саноат корхоналарида меҳнат қилаётган чилангар, то-



каръ, пайвандчи, электрик, дефектоскопист ва конструкторларнинг моҳир қўллари туради. Айнан мана шундай касб эгаларининг янги авлодини кашф этиш, уларнинг билим ва малакасини ягона майдонда синовдан ўтказиш мақсадида мазкур беллашув ташкил этилди.

Ёш кадрларнинг профессионал маҳоратини ошириш, иқти-

дорли мутахассисларни рағбатлантириш ҳамда корхоналар ўртасида тажриба алмашинувини йўлга қўйиш — танловнинг бош мезони ҳисобланади. Шу мақсадда тизимдаги барча саноат тармоқларида 35 ёшгача бўлган асосий ишчилар ўртасида саралаш босқичларига старт берилди. Бу эса миңглаб ёш ходимларга ўз иқтидорини намойиш этиш



учун кенг имконият яратди.

Ҳар бир корхона ўз жамоасидаги энг лойиқ номзодларни саралаб, уларни республика миқёсидаги ҳал қилувчи босқичга йўллади. Шу тариқа, маҳаллий мусобақалардан бошланган ғоят масъулиятли кўрик-танлов ўз чўққисига етди.

18–19 август кунлари Тошкентдаги “Қуов-механика за-

води” акциядорлик жамияти ҳудуди катта касб байрами майдонига айланди. Бу ерга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги саноат корхоналаридан 46 нафар ёш темирйўлчи йиғилди. Уларнинг барчасини ягона мақсад — ўз касбига бўлган садоқат ва ғалаба иштиёқи бирлаштириб турди.

Давоми 2-бетда ➡➡

“КАСБИМ-ФАХРИМ”: ТЕМИР ЙЎЛ САНОАТИНИНГ КУЧЛИ ЁШ МУТАХАССИСЛАРИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Иштирокчилар олтига — “Энг яхши чилангар”, “Энг яхши чилангар-электрик”, “Энг яхши пайвандчи”, “Энг яхши токарь”, “Энг яхши дефектоскопист” ва “Энг яхши конструктор” номинациялари бўйича куч синашди. Ҳар бир номзод икки босқичли жиддий синовдан ўтди. Биринчи босқичда иштирокчиларнинг соҳага оид назарий билимлари синовдан ўтказилган бўлса, иккинчи босқичда улар амалий машғулотларни бажардилар. Ёш мутахассислар тегишли асбоб-ускуналар ёрда-



мида таъмирлаш, тиклаш ҳамда қисмларга ажратиш ва йиғиш ишларини белгиланган вақт ичида амалга оширдилар. Бунда нафақат тезкорлик, балки иш сифати, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши ва ҳатто махсус кийим-бошнинг тартиблилиги ҳам асосий баҳолаш мезони си-

фатида эътиборга олинди.

Якуний натижаларга кўра, 1-, 2-, 3-ўрин сохиблари аниқланди.

— Бу беллашувни анъанавий тарзда ҳар йили ўтказишга алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди Ёшлар ва ижтимоий лойиҳалар бошқармаси бошлиғи Аъзамжон Умаралиев. — Чунки ҳар бир янги лойиҳа нафақат кучлиларни аниқлаш, балки бутун бир авлоднинг касбий ғурурини уйғотиш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва тизим корхоналарининг ишончли кадрлар захирасини мустаҳкамлашга хизмат қилади. “Касбим — фахрим” — бу шунчаки танлов номи эмас, балки ҳар бир иштирокчи қалбидаги юксак ифтихор туйғусидир.

Икки кун давом этган мазмунли мусобақа соҳанинг энг моҳир вакиллари юзага чиқарди. Чилангарнинг маҳорати, пайвандчининг аниқ қўл ҳаракатлари, токарнинг синчковлиги, электрикнинг билим ва зукколиги, дефектоскопистнинг диққат-эътибори ҳамда конструкторнинг ижодкорлиги — буларнинг барчаси темир йўл тизимининг ҳар кунлик, узлуксиз ва хавфсиз ҳаракатини таъминловчи кўринмас, аммо бебаҳо кучдир.

■ ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК — ТОЗАЛИКНИ САҚЛАЙЛИК!

Юртимизда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!” деган эзгу ғоя асосида кенг нишонлаш, ушбу улуғ санани муносиб кутиб олиш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Мазкур эзгу ташаббуслар доирасида “Темирйўл-инфра-тилма” акциядорлик жамиятининг “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали томонидан ҳам ҳудудларда тозалик, ободончилик ва экологик мада-

ЁШ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДА

ниятни юксалтиришга қаратилган қатор амалий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Жумладан, “Қарши” станциясида ёш темирйўлчилар иштирокида “Табиатни асра — тозаликни сақла!” шиори остида экологик акция ўтказилди. Акция давомида ёшлар станция ҳудудидаги мавжуд маиший ва турли чиқиндиларни йиғиб, белгиланган тартибда тозалаш ишларини амалга оширдилар. Шунингдек, худуднинг санитария ҳолатини яхшилаш, атроф-муҳитни ободонлаштириш, яшил ҳудудларни асраб-авайлаш ва станция ҳудудида озодаликка риоя этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирнинг асосий мақсади



нафақат ҳудудни ободонлаштириш, балки ёш темирйўлчилар қалбида табиатга эҳтиёткорона муносабат, экологик масъулият ва жамоат жойларида тозаликни сақлаш маданиятини шакллантиришдан иборат бўлди.

Зеро, обод ва тоза муҳит — инсон саломатлиги, меҳнат унумдорлиги ҳамда жамият фаровон-

лигининг муҳим омилларидан биридир. Айниқса, темир йўл каби минглаб инсонлар фойдаланадиган ва ҳар куни юзлаб йўловчилар ташриф буюрадиган масканларда озодалик ва тартибни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Ёшларнинг бундай ташаббусларда фаол иштирок этаётгани



уларнинг Ватан равнақи ва жамият тараққиётига дахлдорлик ҳисси юксак эканини кўрсатади. Зеро, табиатни асраш — келажақни асраш, атроф-муҳитга эътиборли бўлиш эса ҳар бир фуқаронинг кундалик масъулиятидир.

“Табиатни асра — тозаликни сақла!” экологик акцияси доирасидаги амалий ишлар ёш темирйўлчиларнинг бирлашиб, эзгу мақсад йўлида ҳаракат қилиши билан янада мазмунли кечди.

Бутунги ёшларнинг шундай ташаббуслари келажақ авлод учун тоза, обод ва фаровон муҳит яратишга хизмат қилади. Зеро, Ягона Ватанимизни обод қилиш, унинг табиий бойликларини асраш ва ғўзал масканларини янада кўркемлаштириш — барчамизнинг умумий вазифамиздир.

■ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Тошкент минтақаси темир йўл транспортида Хавфсизликни таъминлаш бошқармаси (ХТБ) томонидан “Орзу” бекатида “Қорадо-ри-2026” тадбирининг иккинчи босқичи — “Хавфсиз ва соғлом юрт” амалиёти-ни самарали ўтказиш, шунингдек, соҳа инфратузилмаларида хавфсизликни таъминлаш мақсадида темир йўлга яқин ҳудудлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда тармоқ корхона ва ташкилотларида профилактик учрашувлар ташкил этилди.

Тадбирлар давомида фуқароларга ҳаракат хавфсизлиги қоидалари акс эттирилган огоҳлантирувчи флаерлар тар-



қатилиб, салбий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жумладан, ўтказилган 21 та

тунги ва кундузги рейдлар давомида жами 125 нафар фуқаро билан профилактик суҳбатлар олиб борилди. Темир йўл ҳудудида ҳуқуқбузарлик содир эт-



ган 113 нафар шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖТК)нинг тегишли моддаларига асосан баённо-

малар расмийлаштирилди.

Бундан ташқари, “Темир йўл транспорти объектларида хавфсизликни таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш” мавзусида жами 70 маротаба давра суҳбати ва йиғилишлар ўтказилди.

Хизмат ҳудудида аниқланган камчиликларни, шунингдек, ҳуқуқбузарликларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида масъул ташкилот ва идораларга жами 8 та тақдимнома, тақлиф ҳамда мурожаатномалар киритилди.

Дилмурод РАХИМОВ,
“Орзу” бекати ХТБ катта инспектори, катта лейтенант

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ, СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА ПРОГНОЗЛАШ —

келажақда бахтсиз ҳодисалар содир бўлиш хавфини олдиндан аниқлайди

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, тизимда электрон назорат ишлари ҳам самарали йўлга қўйилди. Ишчиларни махсус кийим-бош билан таъминлаш, тиббий кўрикдан ўтиш муддатларини назорат қилиш ҳамда қоидабузарликлар бўйича “Талон” тизими ҳам батамом электрон шаклга ўтказилмоқда. Натижада, жойлардаги 300 нафардан ортик меҳнат муҳофазаси муҳандислари тизимга улашиб, онлайн назорат олиб бориш имкониятига эга бўлади.



Ушбу рақамлаштиришга оид олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бошқармаси жамоасининг эришган ютуқларидан саналади.

— Келажақда сунъий интеллект ва юқори технологияларга асосланиб, Жамият томонидан рақамлаштириш кўламини янада кенгайтириш бўйича қўйидаги устувор режалар белгилаб олинди, — дейди Ҳаракат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси назорати департаменти бошлиғи ўринбосари — Темир йўл саноат хавфсизлиги инспекцияси бошлиғи Мурод Толипов. — Рақамли ечимлар, мобил иловаларнинг жорий этилиши доирасида жойлардаги корхоналар ҳамда деполарнинг муҳандис ва инспекторлари учун планшет ва смартфонларга мўлжалланган махсус иловалар ишлаб чиқилади. Бу уларга бевосита иш жойидан туриб, аниқланган камчиликларни фотосуратга олиш ва маълумотларни тизимга реал вақт режимида тезкорлик билан киритиш имконини беради.

Кейинчалик эса сунъий интеллект ва прогнозлаштириш тизими ҳам жорий этилиши кўзда тутилган. Келажақда тизимга йиғилган миллионлаб маълумотларни сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш (Predictive analytics) йўлга қўйилади. Бу қайси корхонада ва қандай шароитда бахтсиз ҳодиса юз бериш хавфи юқори эканлигини олдиндан аниқлаш ва унинг олдини олиш имкониятини яратади.



Шунинг баробарида Жамият давлат тизимлари билан тўлиқ интеграция қилинади. Яъни “Ягона дарча” тамойили асосида тизимни “Электрон ҳукумат”, “my.gov.uz” ва бошқа вазирликларнинг маълумотлар базалари билан тўлиқ интеграция қилиш ҳам режалаштирилмоқда.

Темир йўл тизимида рақамли трансформациянинг самарали йўлга қўйилиши натижасида 100 фоиз қоғозсиз муҳит шаклланади. Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги соҳасидаги барча турдаги рухсатномалар, йўриқномалар ва далолатномаларни фақат электрон рақамли имзо орқали тасдиқлаш тизимига ўтирилиб, қоғоз сарфи ҳамда ортиқча бюрократияга чек қўйилади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, рақамли трансформация — бу шунчаки янги компьютерлар ёки дастурларни ишлаб чиқиш дегани эмас. Бу — энг аввало, ходимларнинг фикрлаш доирасини ўзгартириш, дунёқарашини кенгайтириш, ишга бўлган муносабатни янгилаш ва хавфсизлик маданиятини юксалтириш манбаи ҳисобланади.

Бу олиб борилаётган рақамли трансформацияларга оид саъй-ҳаракатлар эса “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида жорий этилаётган замонавий IT тизимидаги рақамлаштириш яқин келажақда ўзининг ижобий натижасини бериб, ҳар бир темирйўлчининг уйига, оиласи даврасига соғ-саломат қайтишини таъминлашдек олий мақсадга хизмат қилади.

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА

■ ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

СТАНЦИЯ ВА УЧАСТКА
ЙЎЛЛАРИДА ПРОФИЛАКТИК
ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛДИ

“Кўқон — Сувонобод” йўналишида кенг қўламли профилактик ўрганиш ишлари олиб борилди.



Ишчи гуруҳи таркибида Фаргона вилояти ТХТБ бошлиғи вазифасини бажарувчи подполковник А.Нишонов, бошкарма бошлиғи ўринбосари подполковник М.Салимов ҳамда “Кўқон минтакавий темир йўл узели” филиали бош муҳандиси вазифасини бажарувчиси Б.Тиркашев иштирок этди.



Тадбир доирасида “Яйпан”, “Рапқон” ва “Сувонобод” станциялари атрофлича кўздан кечирилди. Темир йўл излари, станция ораликлари ҳамда хар бир ҳўжалик бўйича қилинаётган ишлар ҳолати таҳлил қилинди. Ишчи-ҳодимларнинг меҳнат шароитлари, масъулияти ҳамда интизоми қатъий назоратдан ўтказилди.

Атроф-муҳит муҳофазаси ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича масъулларга аниқ вазифалар белгилаб берилди.

АНИҚ ВАЗИФАЛАР
БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

“Қарши минтакавий темир йўл узели” филиали бошлиғи М.Мирзаев тегишли корхона раҳбарлари ҳамроҳлигида “Тошғузор – Оқработ” темир йўл участкасининг тоғли ҳудудида бўлди. Ташриф давомида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, юзага келиши мумкин бўлган носозликларнинг олдини олиш ҳамда инфратузилма ҳолатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўздан кечирилди.



Хусусан, “Оқработ” – “Чашма” станциялари оралиғида темир йўл изларининг эгрилигини тўғрилаш жараёни ўрганилиб, амалиётни сифатли ҳамда белгиланган технологик талаблар асосида бажариш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.



Шунингдек, темир йўл изларини алмаштириш пайтида бериладиган технологик “окно” (танаффус) муддатидан самарали фойдаланиш масаласи атрофлича муҳокама қилинди. Яқунда ишларни хавфсиз, сифатли ва ўз вақтида яқунлаш бўйича масъулларга аниқ вазифалар белгилаб берилди.

“МИСКИН” АЙЛАНМА ДЕПОСИДА
МУҲОКАМА ЎТКАЗИЛДИ

“Кўнғирот минтакавий темир йўл узели” филиали бошлиғи ўринбосари Н.Жаббарберганов иштирокида “Мискин” айланма депосида юк ва йўловчи поездлари ҳаракати жадвали таҳлиliga бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда станция навбатчилари, локомотив бригадалари ҳамда ҳаракат хавфсизлигига масъул барча ишчи-ҳодимлар қатнашди.

Муҳокама давомида поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ишларни белгиланган режа асосида ташкил этиш, машинистларнинг хизмат вазифаларини сифатли бажариши ҳамда станция навбатчиларининг ҳушёрлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.



Шунингдек, темир йўл транспорти бошқарувида амалдаги йўриқнома ва техник хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилиш, хизмат интизомини мустаҳкамлаш ҳамда салбий ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан ҳодимларга тегишли кўрсатма ва тушунтиришлар берилди.

■ КАСБ ФИДОЙИСИ

ТЕНГИЛБОЙ АБИБУЛЛАЕВНИНГ ФИКРИЧА, БУГУН
КАСБДОШЛАРИ УНГА ҲАВАС ВА ЎЗГАЧА ҲУРМАТ БИЛАН
БОҚИШМОҚДА. БОИСИ, У ЯҚИНДА НИШОНЛАНГАН
КАСБ БАЙРАМИДА “ФАХРИЙ ТЕМИРЙЎЛЧИ” БЕЛГИСИГА
САЗОВОР БЎЛДИ.

БУГУН ҲАМКАСБЛАРИ УНГА
ҲАВАС БИЛАН ҚАРАШМОҚДА

– Мен йиллар давомида ушбу олий мукофотни олишни орзу қилгандим. Бироқ ниятим амалга ошган ушбу унутилмас кунда яқинларимнинг бу қадар юксак ҳурмат-эътибор ва чексиз қувонч билан қарши олишини тасаввур ҳам қилмаган эканман. Уларнинг тўхтовсиз табриклари, самимий муносабати ва ҳавас тўла нигоҳлари менга янги куч бағишламоқда. Бу эътироф янада кўпроқ меҳнат қилишга, темир йўл соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшишга ундаяпти, – дейди “Темирйўлинфратузилма” акциядорлик жамияти Кўнғирот электр таъминоти масофаси филиали 3-сонли Нукус электр тармоқлари тумани навбатчи электромонтёри Тенгилбой Абибуллаев.

1969 йили Нукус шахрининг Хўжайли туманида туғилган Тенгилбой ака болалигиданоқ темир йўл соҳасига ўзгача меҳр қўяди. У эрта тонгда махсус либосда ишга йўл олаётган қўшнисига ҳавас билан боқиб, улғайгач, албатта, темирйўлчи бўлишни ва поездлар оламида ишлашни орзу қилади. Вояга етгач, оиласига қўмақдош бўлиш мақсадида турли соҳа ва корхоналарда меҳнат қилади. Т.Абибуллаев аслида Нукус компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежини техник-электрик мутахассислиги бўйича тамомлаган эди. Бироқ болаликдаги орзусига бўлган интилиши уни ҳеч қачон тарк этмайдди. Ниҳоят, 2001 йили у “Кўнғирот минтакавий темир йўл узели” филиалининг Кўнғирот электр таъминоти масофасига 2-даражали электромонтёр вазифасига ишга қабул қилинади. Истаги амалга ошган қаҳрамонимиз дастлабки кунданоқ бор маҳоратини ишга солади. У электр узатиш ҳаво линиялари ва трансформатор нимстанцияларида таъмирлаш ҳамда тафтиш ишларини бажаради. Шунингдек, очик ва ёпиқ тақсимлаш қурилмаларида электр таъминоти ишончилигини ошириш, тизимни ёқиш ва заҳира манбаларига қўчириш амалиётларини сидқидилдан бажариб келади. Электр таъминотида авариявий ҳолатлар юзага келганда, кун ёки тун бўлишидан қатъи назар, зудлик билан етиб келиб, шикастланиш нуқталарини бартараф этади ва тизимни тезкор қайта тиклайди.

Бугунги кунда Т.Абибуллаев жамоа муваффақиятларига, топшириқ ва режаларнинг сифатли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган фидойи ҳодимлардан биридир. У нафақат ўз билим ва тажрибасини аямайдиган юқори малакали мутахассис, балки ёш кадрларга темир йўл соҳасидаги таъмирлаш сирларини, касб қўникмаларини ҳамда техника хавфсизлиги қоидаларини пухта ўргатиб келаётган жонқуяр мураббий ҳамдир. У бошчилик қилаётган бригада аъзолари берилган вазифаларни доимо хавфсиз, тўлиқ ва ўз вақтида, камчиликсиз бажариб келмоқда.

– Темир йўлни нима учун яхши кўришимни биласизми? – дейди Тенгилбой ака самимият билан. – Чунки бу соҳанинг келажаги порлоқ, одамлар темирйўлчиларга ўзгача меҳр ва ҳавас билан боқишади. Ойлик маошлари ўз вақтида берилади, энг асосийси – темирйўлчилар оиласи ҳамиша тўқис ва фаровон яшайди.

Машаққатли меҳнати қадр топганидан ва кўрсатилаётган юксак эҳтиромдан миннатдор бўлган Тенгилбой ака турмуш ўртоғи билан икки ўғил ва бир қизни вояга етказди. Фарзандлари ҳам ота касбини чуқур ҳурмат қилиб, шундай эл ардоғидаги темирйўлчининг фарзанди эканликларидан фахрланишади.



■ МАЪНАВИЯТ МАНЗИЛЛАРИ

КИТОБ ЎҚИШНИНГ ИНСОНГА ФОЙДАЛАРИ

1. Руҳингиз тиниқлашади.

Ҳаётингиздан кўнглингиз тўлмаса ёки нимадир таъбингизни хира қилса, китоб ўқинг! Китоб ўқимоқ, интернет тармоқларида ўтиргандан кўра юз марта афзал. Интернетда кўп ўтириш руҳий пажмурдаликка олиб боради, китоб ўқиш эса, руҳий тиниқлик бағишлайди.

2. Ўйқунгиз яхшиланади.

Китоб ўқиш уйқуга ҳозирлик кўришнинг энг яхши усули. Телефон экранидан тараладиган ўткир нурлар мия ҳужайраларига салбий таъсир кўрсатади. Китоб ўқиш эса диққатни бир ерга жамлаб, хотиржам ҳордиқ олишга замин тайёрлайди.

3. Кўнглисиз воқеаларни унутасиз.

Ҳаётни кескин курашлар остида ўтадиган шафқатсиз бир реал воқеали сифатида эмас, бадий бўёқлар, илмий-фалсафий ечимлар ўрвида кўра бошлайсиз. Ҳаётний кечинмаларингиздан тўғри, атрофлича таҳлил қилинган ҳулосалар чиқара бошлайсиз.

4. Мия фаолияти яхшиланади.

Инсон жисмоний тарбия билан мунтазам шўғулланса, танаси кучга тўлиб, қон айланиши яхшиланиб, қўл, оёқларда мушаклар пайдо бўлиб, вужуд ўқтамлашиб боргани сингари, китоб ўқийверсангиз, мияда қон айланиши, озуқа таъминоти яхшиланиб, нейронлар сони кўпайишини фан тасдиқлаган.

5. Ҳаёт сўқмоқларидаги пасту баландда собитқадам бўласиз.

Инсон ҳаёт сўқмоқлари бўйлаб ўзи кўзлаган манзил сари борар экан, турли ҳолатларга рўба-рўй келади. Бу ҳолатларнинг пасти ҳам, баланди ҳам бор. Китоб ўқиган инсон бундай вазиятлар-



дан депсинмай, босиқлик ва хотиржамлик билан йўлида давом этади. Ёилдираги йирик автомашинага йўлнинг ўнқир-чўнқир сезилмаганидек, китоб ўқиган инсон ҳам ўнқир-чўнқирлардан сездирмай, бир текисда ўтиб бораверади. Китоб ўқимаганлар бундай ҳолатларда жиғибийрон бўлиб, йиқилиб, суриниб, ҳаётнинг нега бундай эканлигидан фиғони кўкка ўрлаб юради.

6. Юзи ёруғ, истараси иссиқ одамга айланасиз.

Кўп китоб ўқиган инсоннинг қалби покланиб бораверади, унинг юзидан нур таралиб атрофдагиларни ўзига тортади. Одамларнинг сиз билан суҳбатлашгиси келади.

7. Яшашдан мақсадингизни аниқ кўра olasиз.

Китоб ўқимаган инсоннинг мақсади ҳаётий эҳтиёжларини қондиришдан нарига ўта олмайди, яшашдан мақсад ана шу, деб ўйлайди. Кўзи ожиз одам қўшнни кўра олмагандек, китоб ўқимаган инсоннинг қалби ожиз бўлади. Қалб кўзини китоб мутуалааси очади ва қалб кўзи ҳаёт ҳақиқат-

ларини кўра бошлайди.

8. Сизда ҳеч қачон тушқунлик бўлмайди.

Кўп китоб ўқиб, уққанлар ҳар қандай мушкул вазиятларда ҳам тушқунликка тушмайдилар. Натийжа, оқибат деган нарсаларни олдиндан кўра оладилар. Шу боис қўйилаётган қадамнинг натижасини ёки оқибатини олдиндан билдилар, шунга қараб қадам ташлайдилар.

9. Умрингиз узоқ бўлади.

Дунё олимлари илмий изла-нишлар натижасида аниқлаганларки, зиёли одамлар узоқ умр кўрадилар. Жаҳондаги узоқ умр кўрган инсонларнинг аксари-яни кўп китоб ўқиганлар, илмли инсонлар ташкил қилади. Улар китоб ўқиш, илм орқали танани кандай мўътадил тутиш, озиқланиш, гигиена сирларини жуда яхши ўзлаштириб олганлар.

10. Яратувчилик интеллектингиз ошади

Дунё тарихида жамики янгилылар, техникалар, технологияларни ўқимишли инсонлар

яратганлар ва бугун ҳам улар янги дунёни яратаяптилар. Кўп китоб ўқисангиз, яратувчилар сафида бўласиз. Яратувчилар Яратганга ҳам ёқади.

11. Бой-бадавлат бўласиз.

Бойликни ҳар ким ўзича тушунади. Биров бойликни пул, мулк, тўқин-сочин ноз неъматларга эга бўлиш, деб тушунса, бошқаси эса, қалб ва ҳаётнинг сокин кенглик-ларига эга бўлишни бойлик деб билишади. Иккаласи ҳам ўзича ҳақ, аммо уларни бир-бирига тескари қўйиб бўлмайди, бири иккинчисини тўлдириб туриши керак. Фақат пули, моли кўп одам бадавлат бўлолмаганидек, қашшоқ одамнинг қалби кенг бўлиши жуда мушкул.

12. Сўзларингиз салмоқли, жарангдор бўлади.

Кўп китоб ўқиган инсон билан интернетдаги олди-қочди нарсалар билан чекланиб қолган инсоннинг сўз салмоғида фарқ жуда катта бўлади. Кўп китоб ўқиган инсоннинг сўзида салмоқ ва маъни бўлади, “Интернетчи”нинг сўзида на салмоқ, на салоҳият бўлади.



В ГЕРМАНИИ ВЫДЕЛИЛИ 1,7 МЛРД ЕВРО НА ДООСНАЩЕНИЕ ТЯГОВЫХ ЕДИНИЦ УСТРОЙСТВАМИ ETCS

В Германии в конце июня 2026 г. согласована господдерж-ка в размере 1,7 млрд евро при дооснащении эксплуатируе-мого тягового подвижного со-става бортовыми устройствами европейской системы управле-ния движением поездов ETCS. Средства выделены на период до 2030 г. Ранее по программе цифровизации Штутгартского железнодорожного узла на эти же цели было направле-но около 482 млн евро госфинансирования.



Новая программа господдержки предусматривает субсидирование до 90 % расхо-дов на дооснащение первых тяговых единиц конкретных серий и до 60 % расходов при серийной установке бортовых устройств ETCS.

Отраслевая ассоциация Die Güterbahnen, объединяющая частных операторов гру-зовых перевозок, приветствовала объявление о господдержке развертывания ETCS на эксплуатируемом подвижном составе, но считает, что выделенных средств недоста-точно для дооснащения примерно 13 тыс. тяговых единиц, которые курсируют в стра-не. По состоянию на конец 2024 г., бортовые устройства ETCS были установлены при-мерно на 10 % локомотивов и моторных поездов в Германии.

■ ШЕЪРИЯТ ОЛАМИ



Феруза ХУДОЙҚУЛОВА,
Ахборот – таҳлилий
медиа маркази,
“Темирийўлчи” газетаси
мухбири

**ТЕМИР ЙЎЛ КАРВОНИ ОЛҒА ЮР
ҲАМОН!**

*Йиллар карвони ўтиб бормоқда,
Мисоли чархпалак, айланиб кетар,
Темир йўл поезди, порлоқ келажак,
Саман от сингари манзилга элтар!*

*Самарқанд, Бухоро, Қарши, Хоразм,
Сайёҳлар гавжумдир, тарихий юрда,
Ой бориб, омонлик истайди бари,
“Afrosiyob” каби хавфсиз поездда.*

*Темирийўлчи қизлар чаққондир бари,
Сайёҳларни кутар, кўли кўксиди.
Табассум ортида улкан масъулият,
Хизматга шай улар туну кун шунда.*

*Тил билган, эл билар деганлари рост,
Стюардесса қизлари, замонага мос,
Юртим деб, элим деб яшайди улар,
Метиндек ирода уларгадир хос.*

*Электропоездлар, тезлиги ошар,
Ҳаво кемасидек, учар саман от,
Қисқа фурсатда етар манзилга,
Йўловчиларнинг ҳам қалби бўлар шод.*

*“Жалолитдин Мангуберди” поездиничи?
Тезлиги рельсдан кетар изма-из,
Юмшоқ ўриндиқ, қулайлик устун,
Хивага бир бора меҳмон, бўлинг сиз!*

*Машиинист акалар, бўларлар хушёр,
Тезлик ортида масъулият ҳам бор.
Кемага тушганининг жони бир дея.
Олис манзилларда юрларлар такрор.*

*Темир йўл олга юр, олга юр ҳамон,
Тарихсиз келажак бўлмас ҳеч қачон.
Ўтмишдан эртактлар сингари мисол,
Довругинг доимо тилларда дoston.*

*Темир йўл ривожчи, юрт равнақида,
Ярашар ҳаммиша тўй-ю, томоша,
Пўлат карвонлар халқ хизматида,
Олис манзилларга борар тоғ оша!*

ТАЪЗИЯ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда Ўзбекистон темирийўлчилари ва транспорт курувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раҳбарияти “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали Ахборот хизмати раҳбари Муротов Мирзо Искандаровичга онаси

РАСУЛОВА МАЪМУРА ҲОЖИ ОНАнинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия из-хор этади.

■ СИЗ КУТГАН СУҲБАТ

**МАҚСАДИМ – ШУ СОҲА ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ
ҲИССА ҚЎШИШ ҲАМДА ДАВЛАТИМИЗ ВА
ХАЛҚИМИЗГА ҲАЛОЛЛИК БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШДИР**

МУХТОРЖОН ПЎЛАТОВ МАМЛАКАТИМИЗ ТЕМИР ЙЎЛ ТИЗИМИДАГИ ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ СОҲАСИНИНГ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА МЕХНАТ ҚИЛАЁТГАН ФИДОЙИ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ МУТАХАССИСЛАРДАН БИРИ. У МАШАҚҚАТЛИ МЕХНАТДАН ЗАВҚ ОЛАДИГАН, ДОИМО ЭНГ ЗАЛВОРЛИ ВА МУРАККАБ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАМ ЮҚОРИ МАСЪУЛИЯТ БИЛАН БАЖАРИШГА ИНТИЛАДИГАН ИНСОН. АЙНИҚСА, ГЎЗАЛ ХУЛҚ-АТВОРИ, НАМУНАЛИ ТАРБИЯСИ ВА ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ КЎПЧИЛИККА ИБРАТ БЎЛАДИ, ДЕСАК ЯНГЛИШМАЙМИЗ.

Илк меҳнат фаолиятини 19 ёшида — 2010 йили “Ўзтемирийўлчидир” акциядорлик жамияти тасарруфидagi “Йўловчи вагонларини техник ва технологик тайёрлаш, таъмирлаш” филиали (ВЧД-2)нинг ягона техник тафтиш (ЭТР) цехида чилангарликдан бошлади.

Ишга бўлган юқори масъулият, ташаббускорлиги ва доимий ривожланишга интилиши туфайли тез орада аҳил жамоа орасида ҳурмат қозонди. Фаол меҳнати учун 2018 йили “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Ёшлар иттифоқи етакчилар кенгаши раисининг фахрий ёрлиғига сазовор бўлди. 2020 йили эса ВЧД-2 филиали томонидан “Ўз ишининг мохир устаси” номинацияси бўйича тақдирланди. Мухторжон соҳадаги билимларини янада юксалтириш мақсадида 2019 йили Тошкент давлат транспорт университетининг “Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси” факультетининг сиртки бўлимига ўқишга кириб, 2024 йили олий таълим муассасасини муваффақиятли тамомлади.

Қаҳрамонимизнинг қорхонадаги намунали фаолияти 2024 йили Темирийўлчилар касб байрами арафасида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаев томонидан ҳам алоҳида эътироф этилиб, у фахрий ёрлик ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, ўша йили “Халқаро темирийўлчи ёшлар” форумидаги фаол иштироки учун ҳам рағбатлантирилди. Бугунги кунда “Ўзтемирийўлчидир” акциядорлик жамияти тасарруфидagi “Маҳаллий йўналишларда йўловчиларга хизмат кўрсатиш” филиали бошлиғининг ўринбосари лавозимида фаолият юритаётган Мухторжон Пўлатов билан газетамиз учун

уюштирилган суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

– Мухторжон, суҳбатимизни анъанавий савол билан бошласак. Темирийўлчилик касбига киришинингизга ким сабабчи бўлган?

– Бу соҳа менга бегона эмас, чунки сулолаимизда темирийўлчилар ўтган. Бобом Мирпўлат ака ва амаким шу тизимда узоқ йиллар самарали меҳнат қилишган. Болалигимдан уларнинг фаолиятига ҳавас қилиб улғайдим. Шу боис 2010 йилнинг кузида отам ва амакимнинг тавсияси билан ҳаётимни темир йўл соҳаси билан боғладим. Илк иш жойим — “Йўловчи вагонларини рейсга техник ва технологик тайёрлаш ҳамда таъмирлаш” филиалида тажриба орттиришимда, соҳа сирларини пухта эгаллашимда жонқуяр устозларимнинг кўмаги ва қўллаб-қувватлаши бекиёс бўлди.

– Фаолиятингиз давомида сизни энг кўп синовдан ўтказган ёки энг мураккаб бўлган вазифа қайси эди?

– Темирийўлчи бўлиш, албатта, масъулиятли ва осон бўлмаган шарафли касб. Бироқ шу кунгача бирор вазифани мени қийнаб қўядиган даражада оғир деб ҳисобламаганман. Сабаби раҳбарият томонидан берилган ҳар бир топшириққа сидқидилдан ва виждонан ёндашишга ин-

тиламан. Бор билим ва маҳоратимни ишга солиб, вазифаларни ўз вақтида, сифатли бажаришга ҳаракат қиламан. Насиб этса, бундан кейин ҳам билдирилган ишончни оқлаб, зиммамдаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда эл хизматида бўламан.

– Сизнингча, темир йўл тизимида фаолият юритиш инсондан айнан қандай фазилатларни талаб этади?

– Менинг назаримда, бу соҳада меҳнат қилаётган ҳар бир ходим ёки раҳбар, аввало, адолатли, ҳалол ва ўз касбига содиқ бўлиши шарт. Шу билан бирга, темир йўл масъулиятли соҳа бўлгани учун инсондан юксак ирода, чидамлилиқ ва зарур пайтда дадил қарорлар қабул қила оладиган жасорат талаб этилади.

– Бугунги ёш темирийўлчилар соҳада ўз ўрнини топиши ва муваффақиятга эришиши учун биринчи навбатда нималарга эътибор қаратишлари лозим?

– Ёш кадрларнинг жамоада муносиб ўрин эгаллаши ва ютуқларга эришиши учун, энг аввало, меҳнатсеварлик, касбий садоқат ва ҳалоллик сув ва ҳа-водек зарур. Бундан ташқари, иш жараёнидаги мураккаб вазиятларда сабр-тоқатли бўлиш, қийинчиликлардан чўчимаслик керак. Зеро, донишмандлар айтганидек, ҳар қандай зафарнинг



қалити тинимсиз меҳнат ва машаққатлар ортига яширинган бўлади. Шунингдек, касбдошлар ва йўловчилар билан мулоқотда чиройли муомала маданиятини шакллантириш ҳам муваффақиятга эришининг муҳим омилларидан биридир.

– Ишонч туйғуси мутахассисга нима беради?

– Менимча, инсон аввало ўзига, сўнгра ҳамкасбларига ишониши лозим. Жамоада ўзаро ишонч муҳити бўлиши жуда муҳим. Айниқса, раҳбарият томонидан ходимга билдирилган ишонч унга улкан мотивация ва кучли иштиёқ бағишлайди. Бундай пайтда масъулиятни янада чуқур ҳис этиб, билдирилган ишончни шараф билан оқлашга интилиш керак.

– Темир йўл соҳаси ҳаётингизга нималар олиб берди, бу касб Сизга нима берди?

– Бу касб менга жуда кўп нарсаси берди. Темирийўлчи бўлишимни ота-онам ва яқинларим ҳаммиша орзу қилишган. Айниқса, бобом Мирпўлат ҳожи ва бувим Муяссар ҳожи ҳаётимни ушбу соҳа билан боғлашимни жуда-жуда хоҳлашган эди. Бугун уларнинг ҳам, ўзимнинг ҳам ниятларимиз ижобат бўлди. Илк бор депода чилангар бўлиб иш бошлаган кезларим бобомнинг зиёратига борсам, қўларимни хидлаб: “Қўлингдан мой хиди келяптими? Демак, чин дилдан меҳнат қиляпсан”, деб қувонардилар. Илк бор темирийўлчилик либосини кийганимда, уларнинг ҳузурига бориб дуоларини олганман. Ўшанда бобомнинг қувончи чексиз эди. Ҳар сафар уйларида шу махсус либосда кириб борсам, мени: “Темирийўлчиларга шон-шарафлар

бўлсин!” дея фахр билан кутиб олардилар. Қалбимда касбимга нисбатан уйғонган чексиз меҳр ва мотивация мана шундай гўзал хотиралар, устозларим ва сулолаимиз дуолари билан йўғрилган.

– Фарзандларингиз ҳам изингиздан бориб, темирийўлчи бўлишини хоҳлармидингиз?

– Албатта, фарзандларимнинг темир йўл соҳасини танлаб, шу тизимда меҳнат қилишидан фақат фахрланаман. Мен ўз фаолиятим давомида ушбу касб ортидан кўп борака кўрдим, хурмат-эътибор топдим. Шу боис уларнинг ҳам темирийўлчи бўлишини истайман. Бирок, энг муҳими — уларнинг қалбида бу соҳага нисбатан чин дилдан қизиқиш ва меҳр бўлиши керак.

– Мухторжон, темир йўл соҳасидаги энг катта орзуингиз ва келгуси мақсадларингиз нималардан иборат?

– Темирийўлчи сифатидаги энг олий мақсадим — ушбу соҳа тараққиётига муносиб ҳисса қўиш, давлатимиз ва халқимизга адолат, виждон ва ҳалоллик билан хизмат қилишдир. Қайси лавозимда ёки қайси тармоқда фаолият юритишимдан қатъи назар, ўз вазифамни юқори масъулият билан бажариб, касбимга ва эл-юртимга бўлган чексиз садоқатимни амалда исботлашни истайман. Насиб этса, келгусида ҳам янги марраларни забт этиб, соҳамиз довруғини янада юксалтиришга бор куч-ғайратимни бағишлайман.

Аваз ОМОНОВ
суҳбатлашди

■ САЁҲАТ ҚИЛИНГ

Бугун сайёҳларни фақат “Қаерга бораман?” деган савол эмас, балки “У ерга борсам, нималарни татиб қўришим мумкин?” деган ўй ҳам қизиктирмоқда. Бу ёзда “nonna-stalgia” тенденцияси, яъни дабдабасиз, уй шароитида тайёрланадиган, таниш таъмлари ёдга солувчи таомларга бўлган иштиёқ тобора кучаймоқда. Бу қизиқиш Туркиянинг уй таомлари маданиятини қуёш, денгиз ва тарих билан уйғунлашган саёҳатнинг энг жозибали жиҳатларидан бирига айлантормоқда.

Сўнгги тадқиқотлар ҳам гастрономияга бўлган қизиқиш ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Бу ёзда саёҳат ва туризм 79 фоиз билан ҳордиқ чиқаришнинг энг оммабоп йўналиши бўлса, таомлар билан боғлиқ машғулотлар 70 фоиз, очик ҳаводаги фаолиятлар эса 69 фоиз билан ундан



кейинги ўринларни эгаллаган.

Бой пазандалик анъаналарига эга Туркия ёз фаслида, айниқса, енгил ва тетиклантирувчи таъмлари билан ажралиб туради. Янги узилган сабзавот ва мевалар, зайтун мойи, хушбўй кўкатлар ҳамда янги денгиз маҳсулотлари ёзги дастурхоннинг асосини ташкил этади. Салқин шўр-

валар, зайтун мойида тайёрланган сабзавотлар, ранг-баранг салатлар ва уй ичимликлари эса жазирама кунларда, айниқса, хуш келади.

“Айран аши” — ёзнинг салқин таъми!

Ёзда севиб истеъмол қилинадиган таомлар орасида “айран аши” турк ошхонасининг энг тетиклантирувчи анъанавий таомларидан биридир. Қатик, нўхат ва бугдойдан тайёрланадиган бу совуқ шўрва Шарқий Онадўлига хос бўлиб, иссиқ кунларда аини муддао. Туркиянинг шарқий ҳудудларига саёҳат қилганлар учун “айран аши”, албатта, татиб қўришга арзийдиган таъмлардан бири.



Зайтун мойи таомларидан тортиб ранг-баранг салатларгача

Зайтун мойида тайёрланадиган таомлар ёзги тушлик учун енгил ва тўйимли танловлардан биридир. Одатда паст оловда пиширилиб, совуқ ҳолда дастурхонга тортиладиган бундай таомларда мавсумий саб-

завотларнинг табиий таъми янада яққол сезилади. Онадўлининг турли ҳудудларида етиштириладиган яшил ловия, қовоқча ва артишок маҳаллий зайтун мойи билан уйғунлашиб, ёзги дастурхонга ўзгача таъм бағишлайди.

Зайтун мойи нафақат сабзавотлар, балки Туркиянинг турли ҳудудларига хос кўкатларнинг ҳам ўзига хос таъмини очиб беради.

Мараш музқаймоғи — ёзнинг ўзига хос таъми

Ёзда албатта, татиб қўриш керак бўлган таъмлардан яна бири — машҳур Мараш музқаймоғи. У эчки суги ва Қаҳраманмараш ҳудудига ўсади-ган ёввойи орхидея туганакларидан



тайёрланади. Мараш музқаймоғи ўзига хос қуюқ ва чўзилувчан тузилиши, шунингдек, секин эриши билан ажралиб туради. Шу боис уни бўлакча, ҳатто пичоқ ва санчқи билан истеъмол қилиш мумкин.

Туркиянинг мафтункор соҳиллари, қадимий шаҳарлари ва салқин тоғлари сайёҳларни ўзига қорлар экан, ёзги таомлар сафарга яна бир ўзига хос завқ бағишлайди.



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари”
акциядорлик жамияти,
Ўзбекистон темирийўлчилари
ва транспорт курувчилари
касаба уюшмаси
Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ —
Умида ТҶИЧИБОВЕВА

Саҳифаловчи —
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир — Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш.,
Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0139-рақам
билан 2007 йил 11 январда рўйхатга
олинган.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-834

Босишга топширилди: 19:30

1 2 3 4 5 6

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида А-2 ҳажмда чоп этилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади: 1200